

“НАСИМИЙ ФАЗЛИДИН ЭЛ БЕХАБАРДУР...”

Мазкур сатр Қўқон адабий муҳитининг етук номояндаларидан бири Мухйи Хўқандийнинг шоир Абдуллажон Насимийга бағишлаб ёзилган олти шеърининг бирида учрайди. Шеър “Дар жавоби ғазали Насимийи Хўқандий, ки изҳори ихлос ва обрози эътиқодмандий намуда, ба фақир Мухйи тавсифнома навишта. Фақир ҳам дафъатан ин жавҳари посукро дар силки назм кашидам”, деб тўлиқ номланган. Магарким, Хўқанди латифнинг зукко шоирларидан бири бўлган Мухйининг назарига тушган экан Абдуллажон Насимийнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида адабиёт аҳлини огоҳ этиш, унинг асарларини чин ворисларига тўлиқ қайтариш вазифаси кун тартибидан тушмай тураверади. Хўш, Абдуллажон Насимий ким? Унинг адабий меросининг салмоғи қанча? Адабиёт аҳли шоир меросининг қанчасидан бохабар? Шубҳасиз, бу саволларга бир мақола доирасида батафсил жавоб қайтариш мушкул. Лекин шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, Абдуллажон Насимий ижодига қизиқиш ўтган асрнинг ўрталарида ва 70-йиллардан бир мунча жонланган. Таассуфки, айрим кичик мақолалар, хабарлар, шоирнинг адабий меросидан баъзи бир намуналарни ҳавола этиш биз эътиборда тутаётган ижодкорнинг ҳаёт йўли, шеърый мероси ҳақида батафсил хулосалар чиқаришга камлик қилган. Холбуки, Абдуллажон Насимийнинг адабий меросининг салмоғи анчайин катта. 1940 йилда шоир Зафар Диёр “Гулистон” журналида эълон қилган “Фурқатлардан нишона” номли мақоласининг сўнгида Абдуллажон Насимий Ўзбекистон нафис адабиёти нашриётига 2 минг йилдан ортиқ шеър тўпламини топширганини алоҳида қайд этган. Иккинчи жаҳон уруши бошланиши, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги парокандалик туфайли бўлса керак, бу тўпламнинг тақдири ҳозиргача номаълум. Яна бир айрим маълумотларга қараганда, шоирнинг 15 минг мисра шеърини ўз ичига олган тўплами ҳам бўлган. Қўқон Адабиёт музейининг Қўлёзмалар фондида Насимий қаламига мансуб 3 та,

Тошкентда 2 та кўлёзма тўплами мавжудлиги тўғрисида маълумотлар учрайди. Шу билан бирга шоир томонидан ёзилган “Мажмуаи ҳаводис” достони тўғрисида ҳам айрим бир мақола ва хабарларда илиқ сўзларни ўқиш мумкин.

Шоир Муҳйи Абдуллажон Насимийнинг қай даражадаги инсон ва шоир бўлганини муфассал баён этган, дейилса асло муболаға бўлмайди.

Мана ўша сатрлар:

Насимий баҳри таъби пургуҳардур,
Насимий сўзлари шаҳду шакардур.
Насимий соҳиби одобу дониш,
Насимий соҳиби фазлу ҳунардур.
Насимий мазҳари фазлу ҳаётдур,
Насимий фазлидин эл беҳабардур.
Насимийдур баҳори оламари,
Ики рухсораси гулбарги таздур.
Насимий аҳли дониш суҳбатидин
Фазилат ҳосил этган баҳравардур.
Насимий гарчи ҳоло ёшудур, лек
Анго, бешак, валийлардин назардур.
Насимий нодири аҳли замондур
Назири йўқ ажаб ширин писардур.

Каттагина бу шеърда шоир Муҳйи Насимийни шу тариқа таъриф ва тавсиф этади. Шеър мазмунидан Абдуллажон Насимийнинг қандай инсон бўлганлиги, унинг шеърлари қай даражада мукаммал бўлганлиги, маънан таъсирчан, шаклан пишиқ шеърлар соҳиби эканидан дарак этувчи фикрларни илғаш мумкин.

Юқоридаги сатрлар шоир Муҳйи Хўқандийнинг тошбосма девони 272-274 саҳифаларида берилган. Тошбосма девоннинг яна бир ўрнида Насимий шеърларига Муҳйи берган баҳо қуйидагича жаранглайди:

Нашъаи саҳбо этурда манга бул ашъорингиз,
Жонға еткурди ҳаловат лаззати гуфторингиз.
Сўзларингиз ҳар биридур гавҳари қийматбаҳо,
Баҳри Уммондурму оё, таъби гавҳарборингиз.

Мазкур шеърнинг бир ўрнида Мухйидек забардаст шоир Абдуллажон Насимийнинг дилдор шеърларидан бағоят мутаассир бўлганини алоҳида мамнуният билан таъкидлайди: “Юз айлади таъбимни хуррам гулшани ашъорингиз”

Абдуллажон Насимийнинг 1866 йилда таваллуд топганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Бироқ унинг қаерда туғилганлиги масаласида аниқ маълумотни топиш қийин. Шуниси аниқки, у ҳақидаги қайдларда Қўқон маҳаллаларининг бирида деган маълумот кўп учрайди. Унинг қизларидан бири Муаззамхон Машрапованинг қайд қилишича, шоир Поп шаҳрига яқин Ғурумсарой қишлоғида туғилган. Кейинчалик шоирнинг оиласи Қўқон яқинидаги Ганжиравон қишлоғига кўчиб келган. Отаси вафотидан сўнг онаси ва икки синглиси билан шаҳарнинг Ғиштлимасчит мавзесидан бир ҳовли сотиб олган. 1891 йилда Урайимбой исмли давлатманд кишига хизматкор бўлиб ишга ёлланган. Айни чоғда мадраса таълимини олган. Кейинчалик шу ерда кичкина писта сотадиган дўкон очиб, савдогарлик билан шуғулланган. 1893 йилда Дегризлиқ маҳалласидан бир аёлга уйланиб, 8 та фарзанд кўрган. Кейинроқ турли талотўплар туфайли ҳозирги Учкўприк туманига, сўнгра Бувайда туманининг Янгиқўрғон қишлоғига кўчиб бориб, шу ерда муқим яшаб қолган.

Баъзи маълумотларга қараганда, Абдуллажон Насимий шоир Фурқатга амакивачча (Фурқатнинг Муҳаммад Солиҳ исмли амакисининг ўғли) бўлган. Шундан бўлса керак, шоир бир шеърида ўзининг Муқимий, Фурқат, Завқий, Нодим Намонгоний, Алмаий, Камий, Мухйи каби забардаст шоирлар қаторида бўлганидан ғурурланиб ушбуларни қайд этади:

Тахаллусдир Насимий, сўрсангиз Абдуллажон номим,
Муқимий, Мухйи, Завқий олдидин қолган нишондурмен.

Шоирнинг Насимий тахаллуси билан ёзган илк шеъри “Туркистон вилояти гизети”нинг 1903 йил 1 март сонидида chop этилган. Мазкур шеър 1902 йил 16 декабрда Андижонда содир бўлган маълум зилзила муносабати билан ёзилган. Шеър “бечора андижонлик” радифи билан зийнатланган ва ғазал жанрида битилган. Маълумки, Андижон зилзиласи жуда кўп кишиларнинг ёстиғини қуритган, бир қанча оилаларга мусибат келтирган.

Шу муносабат билан шоир Муқимийнинг тарих-марсия битгани маълум. Абдуллажон Насимий ҳам бу воқеага алоҳида муносабат билдирган.

Воҳасрато, на бўлди, бечора андижонлик,
Гулдек жамоли сўнди, бечора андижонлик.
Якбора ер қимирлаб, ситамларни урди товлаб,
Остида қолди йиғлаб, бечора андижонлик.

Мазкур шеър шоир Насимий ўз қўли билан тузган баёзда берилган. Мазкур баёзда турли хил мавзулардаги шеърлар мавжуд. Чунончи, муҳаббат мавзусида битилган шеърлар ҳам анчагина. Уларда анъанавийлик ва шоирнинг алоҳида маҳорати уйғунлашиб кетганлигини кузатиш мумкин:

Нигоро, манга бас сен, ўзга жонондин гапирмасмен,
Юзинг олдида ҳаргиз, моҳи тобондин гапирмасмен.
Лабинг монандимас ёқуту маржондин гапирмасмен,
Дилим сен бирла тил ҳам, ғайри жонондин гапирмасмен.

Шоир ишқий шеърларида покиза муҳаббатни, унинг битмас-туганмас туйғуларини эҳтирос билан тараннум этади. Инсоний муҳаббатнинг чексиз ва покдомон ҳиссиётлари шоир маҳорати ўлароқ гўзал сатрларга жо бўлганлигини кузатиш мумкин. Айниқса, “Юзунг муштоқи бўлганлар ичида борму ҳеч соғи, кўринмас кўзига бир заррача жаннат боғи” сингари сатрларда шоирнинг алоҳида маҳорати намоён бўлганлигини сезиш қийин эмас.

Ўз даври қаламкашлари билан ҳамқадам ва ҳамнафас бўлган шоир ижтимоий мавзуларда ҳам қатор шеърлар битгани маълум. Хусусан, унинг ҳажвий руҳда битилган “Дуохон”, “Парихон”, “Алдамчи эшонлар”, “Сўз

бошқаю иш бошқа”, “Мулқдорлар ҳасрати” каби ҳажвий шеърлари ўз даври воқеаларига ҳамоҳанглиги билан ажралиб туради. Бу ҳолни 1926-27 йилларда Қўқонда чиқадиган “Янги Фарғона” газетасининг “Чиғирик” танқидий бўлими атрофига йиғилган Ҳамза, Мирзо Хўқандий, Оразий, Ҳайрат, ёш каламкашлардан Собир Абдулла, Абдулла Қахҳор, Яшин кабилар таъсири билан боғлаш ўринли бўлади.

1929 йилда замонанинг улуғ шоирларидан Ҳамза Ҳакимзода ўлдирилгач, Абдуллажон Насимий унинг вафотига бағишлаб марсия битгани маълум. Мазкур шеър Ҳамза ҳаёти ва ижодига бағишланган дастлабки асар сифатида алоҳида аҳамиятга моликдир.

Шоир Насимийнинг адабиётимиз олдидаги хизматларини бир мақола доирасида тўқис очиб бериш мушкул. Қолаверса, унинг бошқа фазилатларидан элни огоҳ айламоқ асосий вазифалардан саналади. Зеро Муҳйининг “Насимий фазлидин эл беҳабардур...” деган пурҳикмат сатри бу шоир ҳаёти ва салмоқдор шеъриятига яна кўп бор мурожаат этмоқни тақозо қилади